

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕХЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ
РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

РЕФЕРАТ

МАВЗУ: Шарқ миниатюра санъатида Темур образи

Санъатшунослик факультети
Тасвирий санъат тарихи ва назарияси
кафедраси талабаси Зияева Р.

Тошкент 2010

Шарқ миниатюра санъатида Темур образи

Ўрта аср Шарқ миниатюра санъатида тарихий қўлёзмалар алоҳида ўринда туради. Бу даврда ёзувчи ва шоирлар кўпроқ бадиий адабиётларни ёзишган бўлсада, лекин шоҳлар ва ҳукумдорлар ўзларидан келажак авлод учун меърос қолиши ва ўз давлатларини қандай бошқарганликларини билдириш учун тарихий қўлёзмалар ёзишни ўзлари билан жангларда юрган ва кўп ҳолларда саройда билим малакасига эга бўлган ёзувчиларга топширганлар. Бу тарихий қўлёзмалар ўзида тарихнинг муҳим воқеаларидан гувоҳлик берса, уларга ишланган ноёб миниатюра асарлари эса тарихий қаҳрамонларнинг қандай кўринишда бўлганлигини ва ўша давр руҳини бизга кўрсатиб беради. Бундай тарихий асарларга Рашидиддиннинг “Жомий-ат-таварих”, Ғиёсиддин Али, Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздийларнинг “Зафарнома” асарлари, Ҳотифийнинг “Темурнома” асари, Бобурнинг “Бобурнома” сингари асарлари мисол бўла олади. Бу асарлар ҳукумдорларнинг тахтни, давлатни қандай бошқарганликлари, ўз душманлари билан бўлган жанглари, кўнгилочарликлари, давр маданиятини ва санъатини қандай бўлганлигини ва ҳукумдорнинг автобиографиясини ҳам ўзида жамлайди. Шунинг учун улар нафақат ўз даврида балки, ҳозирги кунда ҳам буюк, ноёб асар бўлиб ҳисобланади.

Темур ва унинг даврига, сулоласига бағишланган асарлар, адабиётлар жуда кўп. Бу адабиётларни биз илмий ва тарихий нуқтаи назаридан турли гуруҳларга бўлиб чиқишимиз мумкин. Улар: араб, форс, турк тилларидаги, Кавказорти ва Европа тилларидаги ёзма манбалар; Амир Темур ва Темурийлар чет эл (Испания, Англия, Франция) ҳукумдорларига юборган ва жавоб хати келган мактублар; нумизматика манбаларининг нашрлари; эпиграфик манбаларининг нашрлари; умумий характерга эга илмий изланишлар; алоҳида йирик бир муаммога бағишланган илмий изланишлар; шахсий саволларни акс этган илмий изланишлар; илмий-оммабоп публикациялар ва бошқа чет элларда босиб чиқилган адабиётлардир. Бу

адабиётларнинг барчаси Темур ва унинг сулоласига бағишланган бўлишига карамай, фақатгина унинг маълум бир қирраларини очиб беради.

Бадиий адабиёт қаторида қимматбаҳо ҳисобланган асар бу тарихий қўлёмалар ҳисобланади. Шоҳлар, ҳуқумдорлар ва давлат бошқарувидаги инсонлар ўз келажак авлодларига ўзларининг даврлари ҳақида маълумотлар қолдирганлар. Улар ўзларининг бўлажак авлодларига тахтни, давлатни, қандай бошқарганликларини, ўз душманлари билан бўлган жангларни яхшироқ ёритишни баён эттириб қолдирганлар. Бундай тарихий қўлёмалар авлоддан-авлодга катта меърос бўлиб қолган ва ҳар- бир шоҳ даврида ўз хизматиغا эга бўлган.

Энг аввал қадимги Шарқ илк синфий жамиятида (Шумер , Бобил, Миср) тарихий билимларни ривожлантиришда айрим шартли манбалар тайёрланган. (Масалан: летосчисления (воқеаларни йилдан-йилга ёки йилма-йил баён этиш)нинг турли системалари ишлаб чиқилган. Тарихий ёзувни англатувчи биринчи ёзувлар вужудга келган (шоҳ , фиръавнлар). Улар воқеа ва ҳодисаларни ёзиб боришган. Дин- тарихий воқеаларга жуда катта таъсир кўрсатган. Барча тарихий воқеалар “худонинг иродаси” деб тушунтирилган. Антик давр тарихнавислиги асосий этап бўлиб тарихий ривожланишга асос бўлди. Бу қадимги юнон тарихининг отаси Геродот баённомасида ва айниқса Фукедитда ўзининг юқори кўринишини топди. Энг сўнги характерлиси худолар кучини ва тарихий танқид элементлари воқеалар билан боғлиқ бўлган муаммони тушунтириб берилишидир. Ўрта аср тарихнавислик даврида худди “илоҳий режа” дек худони иродасини аралашуви натижасида тарихий воқеаларнинг кўрилиши характерли бўлиб, черков ғояларини қабул қилишни белгилаб берган. Ғарбий европа феодал – христиан тарихнавислигида Библия (Таврот) билан бир қаторда христиан теологи Августин Блаженный (худонинг иродаси тушган маъносида) нинг фалсафий – тарихий улкан концепциясини кўрсатишган, мусулмончилик тарихида эса Куръон таъсир қилган. Ғарбда ҳам шарқда ҳам тарихий манбаларнинг кенг ёйилган кўриниши агиографик адабиёт (авлиёлар ҳаёти)

каторида анналларда бўлган, “Жахон тарихи” – “дуёнинг яратилиши” дан то жахон тарихигача бўлган вақт. Ўрта асрларда хулағоид Эронида булардан масалан Ал Берунийнинг “Қадимги халқлар летописи” ёки Рашидиддиннинг “Жоми ат таваррих - жахон тарихи” ёзилган. Ўрта аср муаммолари қоида бўйича хронологик издан бориб фақатгина бор нарсани ташқи боғлиқлигини кўрганлар. Бунда характерлиси йиллар воқеалар ёзмаси (йилдан-йилга) – анналлар тарихий баённомасининг формасида характерлидир. Русда летопислар (энг машхур илк рус летопислари «Повесть временных лет»), шарқ мусулмончилигида хроникалар анналлар булган. Шарқ мусулмончилигида тарихнавислик анъаналари мусулмонликгача бўлган вақтдан аввал келиб чиқган. Ва у ҳукумдорнинг адолатлилиги ва ҳаққонийлиги, куч ва қудрати, машхурлиги билан боғлиқ. Бу муносабатда у бадий адабиётга яқин. Шунингдек, у тарихдан дарак беради, масалан: дoston ва ғазалларда мумтоз адабиётнинг сеvimли қахрамони Искандар ҳақиқий юнон саркардаси бўлмиш Александр Македонский. Ўрта асрларда тарихнавислик бадий адабиёт билан боғлиқ бўлиб, шеър ва афсоналар билан фаровонлаштирилган ва реал инсонни тасвирловчи ҳақиқий фотолари бўлмаган. Турли хил билимлар адабиёт жанри билан боғлиқ. Чунки у тарихий воқеаларни сўзловчи, ҳаммадан ҳам ўқувчини қизиқтириши ва унга завқ бағишлаши лозим бўлган муҳим жанрлардандир.

Мана шундай тарихий жанрларга Ҳотифийнинг «Темурнома», З.М.Бобурнинг «Бобурнома», Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» каби асарлари мисол бўлади. Бу қўлёзмалар нафақат ўз даврида, балки ҳозирги кунда ҳам катта аҳамиятга эга. Тарихий асарлардан биз бир томондан ўша давр тарихини, иқтисодий-ижтимоий аҳволини, маданиятини ва санъатини ўргансак, иккинчи томондан эса давр адабиётини, илмга бўлган қизиқишни ҳам билиб оламиз.

Тарихнавислик адабиётнинг муҳим жанри бўлиб, унда ўз даврида яшаган реал тарихий арбоблар образларини ёзишган. Уларни фаолиятларини, жанг ва кўнгил очарликларини тасвирлаганлар. Бу жанр қадимда ҳали хат

саводи пайдо бўлмаган вақтларда вужудга келган. Тарихий тасаввурлар ва айрим тарихий билимларнинг элементлари барча халқларга ўзларининг ўтмиш аждодларидан халқ оғзаки ижоди ва турли айтишувлар орқали меърос бўлиб қолган.

Энг қимматбаҳо бўлиб қолган бу жанр Амир Темур даврида ҳам катта аҳамиятга эга бўлишга улгурган ва севимли жанрга айланган. Чунки бу тарихий жанр- жаҳон тарихи бу-буюк давр ҳақида катта миқдордаги манба ва адабиётлар шакллантирган. Улар орасида муҳим миқдорга эга бўлган илк манбалар, Амир Темур даврида яшаган замондошлари ёки унинг вафотидан биров сўнг ёзилган воқеалар ўз авлодлари учун ёдгорлик бўлиб қолган.

Олим –теолог Ғиёсиддин Али ибн Жамол ал-Яздийнинг «Рузномайи-ғазавоти Ҳиндустан» («Темурнинг» Ҳиндистонга қилган юриши кундалиги) асари 1399-1403 йиллардаги Амир Темурнинг шаҳсан кўрсатмасига биноан ёзилган. Унда 800/1398 йилдаги юриш ҳақида битилган. Бу Амир Темур тарихига битилган биринчи манбадир. Амир Темур юришлари ҳақида Ғиёс Алига ёзишни топширади. Давлапаноҳнинг ғояси бўйича бу асар –услуга бўйича табиий ва аниқ тилда ёзилиб, ўқувчи учун тушунарли бўлиши керак бўлган. Шунинг учун ҳам бу кўп сўзли ва бўрттиришларга бой, қийин услубли бу асар Амир Темурни қониқтирмаган. Билим, изланиш учун бу олимнинг меҳнати манбашунослар учун фактик маълумотга бойлиги билан қадрлидир.

Амир Темур ҳаётида ёзилган асарлар орасида ҳаққонийлиги, бой манбали материалларга бой бўлган асар бу Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздийларнинг машҳур “Зафарнома” номи асаридир. Шомийнинг асари 1402-1404 йилларда ёзилган. Амир Темур топшириғига биноан –унинг тахтга ўтирган вақтидан (1370й.) бошлаб то (1399-1404й) Фарбий Эрон, Ироқ, Сурия, Кичик Осиё ва Грузияга бўлган “етти йиллик” юришларидан қайтган давргача бўлган воқеалар акс этган. Темур муаллифга асар содда тил, яхши услуб, қатор ўқувчиларга эга бўладиган ва муаллиф томонидан тўлдирилиб ёзилишини тилаган. Шомийнинг асари бизнинг

давргача икки хил кўринишда етиб келган: биринчиси, 1404йил Эрондан Моварауннахрга қайтган қисми бўлиб, ҳали асар ўз номига эга бўлмаган эди; иккинчисида Мироншоҳнинг ўғли Мирзо Умарнинг Озарбажон ва Ироқни бошқараётгани кетлирилган. Иккинчи босма стилистик характердаги ва кириш қисмида Мирзо Умарни мактаб ёзилганлиги билан озгина ўзгартирилган.

Кейинги машхур манбалардан бири темурийларнинг тарихшуноси Хофиз Абру томонидан Шомийга қўшимча (“Зайли Зафарнома”) асари Амир Темур ўлимигача ва 1416йилгача бўлган Шохрух ҳукумронлиги даври воқеалари ҳақида. Кейинги “Зафарнома” Шарафуддин Али Яздийга тегишлидир. Шомийнинг “Зафарнома”сидан фарқли ўлароқ Яздийнинг асари бир қатор манбалар билан ажралиб туради. Шомий томонидан берилган маълумотлар- Яздий томонидан аниқланиб. Текширилиб, изланиб ёзилган, шунингдек, воқеалар 1409йилгача Халил Султоннинг тахтдан тушишигача бўлган вақтгача ёзилган. Яздийнинг асари ўзида бир муҳим воқъеликни кириш қисмида Чингизхон империяси таркибида шаклланган 3 улус Жочи, Чигатой ва Илхонийлар тарихи ҳақида қисқа қилиб ёзиб ўтган. Бу қисм мустақил “Тарих-и-жаҳонгир” ёки “Муқаддима-йи Зафарнома” номига эга. Шарафуддиннинг қўлёзмаси мукамал асар деб ҳисобланган. Ундаги манбалар француз, инглиз, рус, италян тилларига ўгирилган. Кўпинча Олтин Ўрда ва Амир Темурнинг Хиндистонга қилган юриши (1398-1399йиллар) ҳақидаги бўлимлар. Зафарнома мавзулари шоир Лутфий томонидан ўзбек тилига, Хотифий томонидан эса тожик тилига шеър тарзида ўгирилган. Шомий ва Яздийларнинг иккала “Зафарнома”си ҳаққонийлиги, тарихий маълумотларга тўлалиги, ижтимоий-иқтисодий ва этник характерли давлатлараро муносабати, маданияти, жанговар услублари-соҳибқирон шахси ва ҳаётини ўрганишдаги асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Яздий асарида ўзини нафақат яхши ёзувчи балки, истеъдодли адабиётшунос, шоир ва мохир стилист қилиб кўрсатган. Замонавий илмий

адабиётларда “Зафарнома ” – “Ўрта Осиё тарихшунослиги марвариди” дея саналади.

Яна бир машхур Темур замондоши Шихобиддин Абдуллоҳ ибн Лутфаллох ибн Абд-ар-Рашид ал-Ҳарави яъни Ҳофиз Абрў номли машхур олим. Унинг айтишича, у А.Темур саройида туриб, белгиланган масофада бўлган. Чет эл юришларида бўлган Амир Темур билан бир қаторда Ҳофиз Абрў ҳам у билан Шарқ давлатларида бўлган. Унинг ўлимидан сўнг олим Шохрух саройида яшаган. Олимга “Зубдат ат-таварихи Бойсунғури” ўзида дунёнинг яралишидан то 1426-1427 йилгача бўлган воқеаларни ўз ичига олган. Асарнинг тўртинчи қисми Шомийнинг “Зафарнома”сидан олинган ва тўғирлаб қўшимчалар қилган. Амир Темур ҳақидаги манбаси, шунингдек Шохрух ҳукумронлиги тарихининг 1426-1427 йилгача бўлган воқеалар ҳаққонийлиги билан ажралиб туради. Изланувчиларнинг диққатини тортгани бу Ҳофиз Абрўнинг Амир Темурга боғлиқ гувоҳлиги бўлди. У Темурнинг сўнги кунларига боғлиқ воқеаларни бериб ўтган.

1404-1409 йиллардаги Моварауннаҳр ва Хуросон сиёсий тарихини ўрганишда Хўжа Тожиддин ас Салмонийнинг “Тарихнома” асари катта қизиқиш уйғотди.

Амир Темур тарихи ҳақида қисқа қилиб Мўйиниддин Натанзи “Мунтахаб ат-таварихи Муъини” (Муъинларнинг танланган тарихи) номли машхур асари XIVXIII йили Темурий Искандар Мирзо саройида форс тилида ёзилган.

Ҳофиз Абрў ва Мўйиниддин Натанзи ортидан Камолиддин Абдураззоқ ас Самарқандий (1413-1482) исми ажралиб туради. У Шохрух Мирзонинг турли дипломатик муносабатларини бажарар, кўп саёҳатларда бўларди. Абдураззоқга “Матлаъи садайн ва мажмаъ ал баҳрайн” асари машхурликни олиб келди. Самарқандийнинг асосий манбаси бўлиб Ҳофиз Абрўнинг “Зубдат ат-таварих” асари хизмат қилган. Изланувчиларнинг таъкидлашича Шомий ва Яздийларнинг “Зафарнома”сидан ҳам фойдаланган.

Соҳибқирон ҳақида сўзловчи яна бир асар унинг замондоши – араб тарихчиси Абдурахмон Абу Зейд ибн Холдун (1332-1406) нинг кўп томли тарихий-ижтимоий томонлама ёзилган “Китоб ул-ибар” (ибратлар китоби) асаридир. Бу жамоатчиликнинг ривожланиш эволюцияси, шунингдек, Мағриб ва Шарқ мусулмон халқи тарихи ҳақида билим берувчи умумаҳамиятга эга асардир. Ибн Холдун Амир Темур билан бўладиган сиёсий мулоқотларда иштирок этадиган Дамашқ делегацияси қатнашчиси бўлган. Улар орасида кичик ўрин ва шахсий мулоқот бўлган. Ибн Холдун гувоҳлигича, Соҳибқирон ундан Мағриб юрти ва унинг аҳолиси-ю шаҳарлари ҳақида аниқроқ қилиб ёзиб беришини сўрайди. Давлатпаноҳ шунингдек ҳамсуҳбатининг ат-Табарий (X аср боши тарихи) га бўлган кизиқишини шахсан ўзи баҳолайди.

Амир Темур ҳақида муҳим манбалардан бири бу Ибн Арабшоҳнинг (1389-1450)нинг “Ажойиб ал-мақдур фи ахбари Таймур” номли асаридир. Бу асар қўлёзма спискалари Франция, Сурия, Туркия ва Россия кутубхоналарида сақланмоқда.

Соҳибқирон ва унинг авлодлари қиролликлари йирик тарихшунос Муҳаммад ибн Ховандшоҳ ибн Маҳмуд (Мирхонд-1438-1498) томонидан “Раузат ас-сафо фи сират ал-анбайи вал-мулук вал-хулафа” (Пайғамбарлар, халифлар ва қироллар ҳаётига нисбатан мусаффо Боғ) асари кейинчалик унинг набираси Хондамир томонидан давом эттирилган. Шунингдек, Амир Темур ҳақидаги бир нечта асарларни ва “Темур тузуклари”ни кўпгина чет эллик олимлар ёлғон маълумотлар берилган деб танқид қилганлар. Гўёки шарқ олимлари, Темур замондошлари соҳибқирон ҳақида ёлғон маълумотларни, кўрсатмаларни беришган. Академик Бартольднинг таъкидлашича, Темур автобиографияси ҳақида 1860 йилгача ҳеч қандай маълумотлар берилмаган. Гўёки Темур ўз ишини “атаманлик ва қароқчилик”дан бошлаган. Лекин яхлитлигича, Темур Тузуклари ва “Автобиографияси” XIV-XV аср Марказий Осиё ва соҳибқирон биографияси ҳақидаги қимматли ва қадрли манбадир. “Тузуклар”ни инглиз тилида

босиб чиқишига катта хисса қўшган инглиз олимлари Деви ва Уайт бу асар Темур ёки унинг қўл остида ёзилганлиги ҳақида умуман шубҳа қилмасдан ишонганлар ва унда соҳибқироннинг давлат бошқаруви санъатини очиб берганлар.

Ибн Холдун, Шарафуддин Али Яздий, Ҳофизи Абрў ва Ибн Арабшохнинг гувоҳликларича Амир Темур яхшигина қонуншунос бўлган, тарихни, географияни, фалсафани ва шеърятни билган. Ҳақиқатдан ҳам у ақлли, илмли, ғояли, одамлар билан илмий мулоҳазаларни, бахсларни яхши кўрувчи инсон бўлган.

Темур тузукларини кадрлилигини Амир Темур замондошлари Шомий, Яздий ва бошқа тарихчиларнинг асарларидаги воқеалардан ҳам бу асар ҳеч қандай хато ва ёлғон йўқлигини кўрамиз. Шарафуддин Али Яздийнинг айтишича; Соҳибқирон ўзининг бошқарувини ҳеч қандай мақтовларга бурканишини хохламай, тарихчиларга-бахшилар ва бошқа қироллик, халқ ва давлат ахолиси ҳаёти ҳақидаги воқеаларни тўлалигича аниқлаб, бор ҳақиқатни борлигича, тўлалигича ҳеч нимани қисқартмай, ҳеч нарсани қўшмай ёзишларини айтади.

Ҳар қандай асар биринчи бўлиб, Амир Темур ва олимлар гуруҳи остида ўқилиб, уларнинг розилиги остида ёзувчи, ҳаттотларга топширилган.

Темур ҳар қандай ҳунар ва касб бўлмасин, агар унда бирон фазилат ва шарофат бўлса, шу касб эгаларига ғоятда меҳр қўйган эди. У олимларга меҳрибон бўлиб, сайидларни ўзига яқин тутарди. Уламолар ва фозилларга иззат-икром кўрсатиб, уларни ҳар қандай бошқа одамлардан устунроқ кўрарди. У табиатан шоир ва масхарабозларни ёқтирмас, лекин мунажжим ва табибларни ўзига яқин тутар эди. Ўз фикрини жамлаш ва ривожлантириш учун доимо шатранж ўйнардди. Темур тарих китобларини, диний қиссаларни, подшоҳлар сийратлари ва қилган салафлар ҳақидаги ҳикояларни ўқитиб, қунт билан тинглар эди. Бу китобларни барчаси форс тилида ёзилган бўлиб, уни сафарда ҳам, бошқа

шароитларда ҳам тинглар эди. Унинг мажлисларида уятсиз гаплар, қон тўкиш, асир олиш, ғорат қилиш ва аёллар хусусида ҳақоратли сўзлар айтилмас эди. Мана шундай хислатларини фақатгина Ибн Арабшоҳнинг унга бағишланган асаридан топамиз. Темурнинг бадиий образини “Темур тузуклари”да ёзилишича: Ҳазрат соҳибқирон “қатъийлик, сабр-тоқат, чидамлилиқ, хушёрлик, эҳтиёткорлик ва шижоат билан барча ишларни амалга оширган”.

Ҳар бир инсон бу дунёга келар экан ўзидан яхши ном қолдиришни истайди. Амир Темур ҳам буюк соҳибқирон бўлишига қарамай, Буюк бунёдкор деган ном қолдирди. Биринчи навбатда халқига ҳамда мамлакатига эрк, тинчлик ва фаровонлик олиб келди. Чингизхон жанглиридан қолган вайрон ҳолда ётган шаҳарларни қайтадан тиклади. Бухоро, Самарқанд, Кеш, Шош каби шаҳарларни ободонлаштириб, катта-катта иморатлар, мадрасалар, хонақоҳлар ва масжидларни барпо этди. Бир қанча боғлару, бозорларни ўзидан қолдириб кетди. Шунингдек у илм-фан ва маданиятга катта аҳамият бериб, маънавий озуқа олишга иштиёқманд эди. Олим ва фозил кишиларни ўзига яқин тутарди, уларни хурматларини жойига қўярди. Шунинг учун ҳам унинг замонасида илм-фан гуллаб яшнаган вақт бўлган.

Ўзлигимизни англашда ҳар биримиз аввало буюк аجدодларимиз, сиёсий, ҳарбий, илмий арбобларимиз ва алломаларимизнинг ўз мамлакати ва жаҳонда тутган ўрни ва равнақини англашимиз лозим. Шулар қаторидаги буюк соҳибқирон Амир Темур, Нажмиддин Кубро, Ат-Термизий, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек каби бир қатор дунё таниган алломаларимизнинг меҳнатлари бизлар учун бир мактаб сингаридир. Юқорида келтириб ўтганимиз Ҳазрат соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти бунда асосий мезон бўла олади. Унинг ҳар қандай асосий мушкул сиёсий, ҳарбий, дипломатик вазиятлардан чиқиб кета олиши, мардлиги, жасурлиги, ватанпарварлиги, топқирлиги, темир-иродавий хусусиятлари, доно ва зукколигини унга бағишланган бир қанча ноёб ва нодир қўлёзмалардан ҳам ўрганиб чиқдик.